

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ АХТАМ НУСРАТИЛЛОЕВИЧ**

**ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Якубов Ахтам Нусратиллович**

Ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

**Якубов Ахтам Нусратиллович**

Совершенствование правового регулирования внешнеторговых отношений

**Yakubov Axtam Nusratiloevich**

Enhancement of regulation of foreign trade relations

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБОВ АХТАМ НУСРАТИЛЛОЕВИЧ**

**ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Yu108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот тавлим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Сайд Саидхорорович Гулямов,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

Рашидов Комил Кенюмович,  
юридик фанлар доктори, профессор

Самарходжаев Батир Билялович,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етказчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона  
қўмитасининг Божхона институту

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 11 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (937-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2020 йил «28» октябрда тарқатилди.

(2020 йил «28» октябрдаги 29 рақамли реестр баённомаси).



  
И.Р.Рустамбеков  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

  
Д.Хабидуллаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, юридик фанлар  
номзони, профессор

  
Н.Имомов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, юридик фанлар  
доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳалол рақобат ва тенг савдо шартлари асосида савдо муносабатларини ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар томонидан давлатларга бу борада амалий кўмак бериш, ҳар йиллик давлатларнинг ташқи савдо бўйича турли индексларини эълон қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг 2019 йил якунларига доир эълон қилган ҳисоботида халқаро савдо харитасида ҳар йили дунёнинг 220 дан ортиқ мамлакатлари ҳудудида 5300 дан ортиқ маҳсулотлар савдоси амалга оширилади ва товарлар савдоси ҳар йили ўртача 5.5% ошиб боради.<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан бугунги кунда дунё мамлакатлари учун ташқи савдо масалалари, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тартибга солиниши ва ушбу фаолият натижасида келиб чиқадиган низолар, уларни бартараф этиш йўллари мунтазам равишда такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Жаҳонда халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани рақамлаштириш ва иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш, шартномаларни тузишни электронлаштириш орқали ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ташқи савдони оқилона ташкил қилиш, ушбу соҳага «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш, ташқи савдо шартномаларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмларини яратиш, виртуал олам қонуниятларини ташқи савдо муносабатларига татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йиллар давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида «Doing Business – 2020» рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146 ўрндан 76 ўринга кўтарилди. 2012 йилга таққослаганда Ўзбекистон 78 позицияга кўтарилди. Республикаимизда ташқи савдони ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини самарали тартибга солишга алоҳида эътибор берилмоқда, хусусан, ташқи савдо муносабатларидаги давлатнинг аралашувини чеклаш, унда халқаро хусусий тартибга солувчи икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларни тузиш, халқаро конвенцияларни ратификация қилиш ва бошқа соҳада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»<sup>2</sup> иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> [https://www.wto.org/english/res\\_e/booksp\\_e/00\\_wtr19\\_e.pdf](https://www.wto.org/english/res_e/booksp_e/00_wtr19_e.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Фуқаролик кодекси (1996), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (2019), «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» (2013) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) ва «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ташқи савдо муносабатларининг халқаро савдо, халқаро хусусий ҳуқуқий таҳлили, мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган давлат ҳуқуқини такомиллашувининг тарихий ва замонавий босқичлари, шунингдек бу борадаги халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибаси мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Х.Раҳмонқулов, С.Гулямов, Б.Самархўжаев, И.Рустамбеков, В.Эргашев, С.Хамраев, Н.Х.-А. Раҳмонқулова, О.Хазраткулов, Д.Имамова, В.Н. Ҳошимов, Е.Ф. Trushin ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган<sup>3</sup>.

Хорижий мамлакатларда ташқи савдо муносабатларини хусусий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро электрон савдолар, уларни ҳуқуқий тартибга солиш, крипто-валюталар, блокчейн технологияларни қўллаш масалалари, «ақлли шартномалар» уларни тузишнинг ўзига хосликларини сўнги йилларда тадқиқ қилган олимлар сифатида N. Nwafor, C.Lloyd, M.Douglas, N.Loadsman, J.Levin, C.S.A.Okoli B. G.Slocum, S.Guran, O.Toth, T.I.Kiviat, S.Kataoka ва бошқалар<sup>4</sup> кўрсатиш мумкин.

МДҲ давлатларида тадқиқ қилинаётган мавзу йўналишида сўнги йилларда тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар сифатида Беспалова, А.Е., Ваулина, О.А., В.А. Егунов, М.А. Плешков, П.В.Белоусов, А.О.Иншакова,

<sup>3</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

<sup>4</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

В.И.Федулов, В.К.Шайдуллина, Л. Г.Ефимова, М.А.Егорова, Н. В.Макарчук, С.И.Кусевалов ва бошқаларни<sup>5</sup> кўрсатиш мумкин.

Бироқ мамлакатимизда ўтказилган номлари келтирилган олимларнинг ишлари халқаро хусусий ҳуқуқда ташқи иқтисодий шартномалар, чет эл инвестициясини ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига бағишланган бўлиб, ташқи савдо муносабатларини моддий ҳуқуқий нормалар ва халқаро шартномалар асосида ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига комплекс тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб “Ўзбекистон коллизия қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификациялаш муаммолари” номли илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ташқи савдо муносабатларининг юридик табиати ҳамда уни тартибга солувчи асосий принциплар ва уни халқаро савдо муносабатларига татбиқ қилиш масалаларини таҳлил қилиш;

ташқи савдо шартномаларни тузишда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ташқи савдо шартномаларни тузиш, унинг мазмуни ва шартларига қўйилаётган талаблар бўйича халқаро андозалар ва миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ташқи савдо муносабатларини объекти сифатида крипто-валюта ва блокчейн технологияларнинг ҳуқуқий табиатини тадқиқ қилиш орқали улар иштирокидаги ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ташқи савдо шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг халқаро хусусий-ҳуқуқий механизмлари ва халқаро электрон савдо муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилиш;

ташқи савдо шартномасидан келиб чиқадиган жавобгарлик ва низоларни ҳал қилиш тартибини тадқиқ қилиш.

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ташқи савдони, бошқа жорий фаолиятни юритиш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) муносабати билан тўланиши лозим бўлган барча тўловлар ва носавдо тусидаги пул ўтказмалари жорий халқаро операциялар эканлиги асосланган;

жисмоний шахслар ўртасида юз миллион сўм эквивалентигача бўлган миқдордаги пул ўтказмалари; шахсий эҳтиёжлар учун товарларга (хизматларга, ишларга) ҳақ тўлаш; иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш носавдо тусидаги пул ўтказмалар ҳисобланиши асослаб берилган;

ҳакамлик суди тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни ҳал қиладиган нодавлат орган эканлиги ва у юридик шахс ҳисобланмаслиги ҳамда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин эмаслиги асослаб берилган;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги асослаб берилган;

жорий халқаро операциялар бўлмаган барча халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари капитал ҳаракати операциялари эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари сифатида электрон тижорат, крипто-валюта айланмаси ва бошқаларни тартибга солиш назарда тутилмаганлиги асослаб берилган;

экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомда экспорт шартномаларига қўйилган асосий талаблар шартнома эркинлиги принципига зид бўлганлиги сабабли уларни бекор қилиш зарурлиги асосланган;

ривожланган давлатларда крипто-валютанинг ҳуқуқий тартибга солиш моделларини танқидий таҳлили асосида қонунчилик даражасида крипто-валюта, токен тушунчаларини ишлаб чиқиш ва уларни оммавий ва хусусий ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги асослаб берилган;

Фуқаролик кодексида ақлли шартномаларни тузиш ва уни расмийлаштиришга оид нормалар билан тўлдириш зарурлиги асосланган.

агар тарафлардан лоақал биттасининг тижорат ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган бўлса, ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий фаолият турларини амалга оширишда шартномавий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низолар арбитражга топширилиши мумкинлиги асослаб берилган;



тарафлар арбитраж келишувининг предмети биттадан кўпроқ мамлакат билан боғлиқ эканлиги тўғрисида тўғридан-тўғри келишиб олган бўлса, арбитраж халқаро деб ҳисобланиши зарурлиги асосланган;

тарафларнинг келишувига биноан тижорат хусусиятига эга бўлган барча муносабатлардан юзага келадиган низолар арбитражга топширилиши мумкинлиги асослаб берилган;

ташқи савдо шартномаси тарафлари томонидан агар ушбу шартнома миллий манфаатларга зид бўлмаса тўғридан-тўғри шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида (БМТ)нинг «Товарлар халқаро олди-сотдисига доир шартномалар тўғрисида»ги конвенциясини кўрсатиш мумкинлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилган;

халқаро электрон шартномавий муносабатларни коллизиявий-ҳуқуқий тартибга солувчи коллизия принциплар гуруҳи ишлаб чиқилиб, ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича миллий қонунчиликка «lex venditoris», «lex informatica», «lex electronica» коллизия боғловчиларини киритиш зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, ташқи иқтисодий фаолият, фуқаролик ва савдо соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда савдо ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ташқи савдони, бошқа жорий фаолиятни юритиш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) муносабати билан тўланиши лозим бўлган барча тўловлар ва носавдо тусидаги пул ўтказмалари жорий халқаро операциялар эканлиги ҳақидаги таклиф «Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 108-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш

самарадорлигини оширишга, жорий халқаро операциялар доирасини аниқлашга хизмат қилган;

жисмоний шахслар ўртасида юз миллион сўм эквивалентигача бўлган миқдордаги пул ўтказмалари; шахсий эҳтиёжлар учун товарларга (хизматларга, ишларга) ҳақ тўлаш; иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш носавдо тусидаги пул ўтказмалар ҳисобланиши зарурлиги ҳақидаги таклиф «Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси иккинчи қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 108-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши носавдо тусидаги пул ўтказмалар доирасини аниқ белгилашга хизмат қилган;

ҳакамлик суди тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни ҳал қиладиган нодавлат орган эканлиги ва у юридик шахс ҳисобланмаслиги ҳамда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди низомининг (янги таҳрир) 1-моддаси 2,3-бандларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судининг 2020 йил 27 июлдаги 27-07/2020-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши ҳакамлик судларида кўриладиган низоларнинг хусусиятларини аниқлашга ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилашга хизмат қилган;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди Регламентининг (янги таҳрир) 18-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судининг 2020 йил 27 июлдаги 27-07/2020-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши ҳакамлик битими тарафлари доирасини белгилашга хизмат қилган;

жорий халқаро операциялар бўлмаган барча халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари капитал ҳаракати операциялари эканлиги ҳақидаги таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 108-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши капитал ҳаракати операциялари доирасини аниқ белгилаб, қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ташқи савдо муносабатларига умумий тавсиф**» деб номланиб, унда Ташқи савдо муносабатларининг юридик табиати, ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий манбалари ва тартибга солувчи асосий принципларини татбиқ қилиш масалалари, ташқи савдо муносабатларини объекти сифатида крипто-валюта ва блокчейн технологияларнинг ҳуқуқий табиати каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, бугунги кунда ташқи савдо муносабатлари уларни тартибга солиш концепцияси нуқтаи назаридан икки шаклда амалга оширилади. Булар ташқи савдо муносабатларини оммавий ҳуқуқий тартибга солиш ва хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш шакллари дур.

Тадқиқотчи ташқи савдо муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг назорат функцияларининг амалга ошириш бўйича ўтказилган тадқиқотларни икки гуруҳга бўлган ҳолда тадқиқ қилади. Биринчи гуруҳ тадқиқотчилар, ташқи савдо муносабатларини давлат томонидан назоратга олиш инструментларидан фойдаланиш бўйича фикр билдирган тадқиқотлар (А.А.Вологдин, Л.А.Плотникова, С.Г.Мельников, Т.Н.Трошкина) бўлса, иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар (M.J.Bonell, J.E.Alvarez, N.Nwafor, C.Lloyd, M.Douglas, N.Loadsman, J.Levin) асосан ташқи савдо муносабатларини тартибга солишда халқаро ташкилотлар орқали унификациялашган халқаро савдо қоидаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш зарурлигини қайд этади.

Диссертант сўнги йилларда ташқи савдо муносабатлари соҳасида тузилаётган шартномалар предмети сифатида минтақавий интеграциялашган тузилмалар доирасида ёки трансмиллий энергия етказиб бериш соҳасидаги ташқи савдо шартномаларни аҳамияти ошиб бораётганлигига эътибор қаратган ҳолда, ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотларда (А.О.Ишаклова, И.П.Марчуков, А.Е.Беспалова, О.А.Ваулина, В.А.Егупов, М.А. Плешков, П.В.Белоусов, В.В. Пожидаева, С.С.А.Околи, М.Аhmed) шартномавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хослигига эътибор қаратади.

Диссертант халқаро савдо муносабатларини тартибга солишда миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро савдо одатларининг ўзаро уйғунлида бир бутунлик касб этишини асослаган ҳолда, унинг объектини аниқлашда ташқи савдо шартномасига нисбатан қўлланиладиган моддий ҳуқуқ ва халқаро шартномаларнинг моҳиятидан келиб чиқиш зарурлигини қайд этади.

Тадқиқотчи миллий қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташқи иқтисодий битим ва ташқи савдо битими тушунчалари, ушбу тушунчалар ўртасида аниқ ажратиш имконини берувчи фарқларни таҳлил қилган ҳолда, ушбу тушунчаларни мазмун-моҳиятини аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотларга (Jovičić, K., Slocum, B.G. ва Wong, J., А.О.Иншакова, С.Г. Мельников, В.И.Федулов, Ю.А.Иванова, В.А. Бублик, А.И. Муранов) мурожаат қилиб, ушбу тушунчалар бир-биридан фарқланиши зарурлигига ҳамда халқаро амалиётда “халқаро тижорат битими” ёки “халқаро тижорат шартномаси” тушунчаларидан кенг фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда, деган хулсоага келган.

Мазкур боб доирасида ташқи иқтисодий битимга муайян хусусиятлар хос бўлиб, улар ичидан зарурий, битимни ташқи савдо битим сифатида баҳолашга имкон берадиган белгилар, факультатив, яъни баъзи битимларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган, аммо истисносиз барча битимларга хос бўлмаган белгиларни таҳлил қилинган.

Диссертант доктринал ва қонунчиликда келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда **ташқи савдо муносабатлари деганда** *товарлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал мулк объекти, криптовалюталар ҳамда ахбортга бўлган мутлақ ҳуқуқлар савдосида табиатан турлича бўлган субъектлар (давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар)нинг халқаро-ҳуқуқий, миллий-ҳуқуқий ва бошқа (савдо муносабатлари иштирокчилари томонидан яратиладиган) нормалари асосида савдо муносабатларига кириши тушунилади*, таърифни илгари суради.

Ҳозирги глобаллашув шароитида халқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи халқаро нормалар ва миллий қонунчилик ўртасида ўзаро фаол интеграция жараёнлар кузатилмоқда. Бу жараён халқаро ва миллий ҳуқуқ соҳасида савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари, усуллари ва тамойилларини ўзаро мослаштириш, миллий қонунчиликни ривожлантириш бўйича биргаликда чора-тадбирлар белгилаш ҳамда умумий ҳуқуқий нуқтаи назарларни ишлаб чиқиш зарурати билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун минтақавий ва универсал аҳамиятдаги қонунчиликни байналминаллаштириш, ташқи савдо концепция ва дастурларни ўзаро мутаносиблаштириш, умумий баҳолаш тушунчаларини ишлаб чиқиш; қонунчиликни бирхиллаштириш, миллий нормалар билан параллел равишда ёки уни ўрнини босадиган ягона ҳужжатлар ва нормаларни яратиш, яъни ҳуқуқий муносабатларнинг бир хил тартибга солинишини таъминлаш; қонунчиликни стандартлаштириш – иқтисодий-техник ва бошқа характердаги ҳаракталарни амалга оширишда қўллаш учун мажбурий бўлган юридик-техник нормаларни яратиш муҳимлиги қайд этилган.

Тадқиқотчи, ташқи савдо муносабатларининг ҳуқуқий манбаларини ишлаб чиқиш бўйича БМТнинг Ташқи савдо муносабатларининг ҳуқуқий бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқий манбаларни аҳамиятини ёритиш жараёнида, ушбу ҳужжатларни бугунги замонавий ташқи савдо муносабатларини тартибга солишдаги ижобий тажрибасига бағишлаб ўтказилган тадқиқотлар (Ortín Romero, García Martínez,

J.M.Smits, J.C.Gray, D.C.Chow, T.J.Schoenbaum, H.E. Тюринани ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда ташқи савдо муносабатларида тадбиркорлар томонидан универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинган шартномалар тузиш амалиётини кенгайтириш долзарб эканлигини, ҳуқуқни қўлловчи ва судьяларни ушбу соҳадаги билим ва амалий кўникмаларини ошириш зарурлигини қайд этади.

Диссертант ташқи савдо муносабатлари соҳасида “lex mercatoria” – халқаро савдо одатларининг тутган ўрнига баҳо берар экан, сўнги йилларда ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотларни (S. Guran, Н.Ю.Шлюндт, П.А.Курбанова, С.Н.Тагаева, И.В. Очкасова, Д.А.Давудов, И.А.Усенков, O.Toth, J.L.Contreras, F.C.Jesse, В.А Костылева, L.Mustill, L.Nottage) таҳлил қилган ҳолда, ушбу назарияни қўлланилиги ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг фаолиятида ўз-ўзини бошқариш элементини жорий қилишга, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг халқаро савдо муносабатларига тезроқ интеграция бўлишига замин ҳисобланадиган деган хулосага келган.

Ташқи савдо муносабатларини тартибга солишга қаратилган асосий принциплар (камситмаслик–дискриминацияга йўл қўймаслик) тамойили, энг кўп қулайлик яратиш режими, миллий режим, транспарентлик (шаффофлик)ни амалиётда қўллаш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилган ҳолда, ушбу принципларни кенг татбиқ қилиниши ташқи савдони тартибга солишнинг самарали ва оқилона тизимини яратишга, мамлакатимизнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишида қулай шароит яратишга хизмат қилади деган хулоса илгари сурилган.

Ташқи савдо муносабатларини объекти сифатида крипто-валюта ва блокчейн технологияларнинг ҳуқуқий табиатига тўхталаркан, ушбу соҳада мамлакатимизда дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини, унда асосан ушбу муносабатларнинг маъмурий-ҳуқуқий масалалари ёритилганлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги қарори билан легаллаштириш объекти сифатида виртуал активлар (криптовалюта ва ҳ.к.) бўлиши мумкинлиги қайд этилганлигини таҳлил қилиб, ушбу соҳада миллий фуқаролик қонунчилиги шаклланиш нуктаи-назаридан суд-ҳуқуқ амалиётидан ортда қолаётганини таъкидлаб ўтган.

Диссертант крипто-валюта ва биткоин тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати бўйича ўтказилган кўплаб тадқиқотларни (S.Nakamoto, T.I. Kiviat, R.Grinberg, V. Tu, M.W.Meredith, Brito, H.Shadab, A.Castillo, M.Rustem, K., Sergey) таҳлил қилган ҳолда, криптовалюта – бу тўлиқ автоматик режимда ишлайдиган, марказлаштирилмаган тўлов тизими томонидан таъминланадиган, мустақил, ўзаро ҳисоб-китобларни юритишда мақсад қилган, рақамли-электрон валютанинг бир туридир. У алмашинув операцияларида валютага паралель восита сифатида ишлатиладиган, шифрланган, тартибга солилмаган рақамли активдир, деган муаллифлик ёндашувни илгари сурган.

Криптовалюта ҳеч қандай жисмоний шаклга эга бўлмайди ва фақат маълумотлар кўринишида электрон тармоқда (тизимда) – блокчейнда мавжуд

бўлади. Криптовалюта орқали ҳисоб-китоб қилиш электрон почта ёки шу каби воситалар ёрдамида эркин алмашиш билан амалга оширилади ҳамда шунинг учун банк орқали вужудга келадиган комиссиялар ва воситачилик йиғимларидан ҳоли бўлиб, уни амалга оширишда тарафлар эркинлиги, мустақиллиги ва вақтдан ютиши билан афзалдир, деган фикрлар илгари сурилган.

Муаллиф Хитой, Канада, Норвегия, Финляндия, Германия, Австрия, АҚШда виртуал валюта ва блокчейн технологияларни ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлатлар ушбу масалада уч хил моделни илгари сурилишини, бунда **биринчи модел** виртуал валюта ва блокчейн технологияларни тўлиқ тақиқлаш, **иккинчи модел** товар сифатида эмас, балки валюта (тўлов воситаси) сифатида кўриб чиқиш кераклиги ҳамда ушбу муносабатларни солиққа тортиш, улар устидан давлат назоратини ўрнатиш, **учинчи модел** номоддий актив ва майнинг операция фаолият сифатида қараш, солиққа тортиш, чекловлар ва давлат назоратининг йўқлигини қайд этади.

Диссертант замонавий шароитда крипто-валютани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири уни фақат тўлов ва алмашинув воситаси сифатида эмас, балки, масалан, “акциялар” ёки “вексел” шаклида блокчейндан белгиланган ҳуқуқ (мажбуриятлар) сифатида фойдаланиш имконияти ҳақида ўйлаш вақти келди, деган хулосага келган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ташқи савдо муносабатларини амалга ошириш тартиби ва шартлари**» деб номланиб, унда ташқи савдо шартномалари мазмуни, уларни тузиш шартлари ва тартиби, ташқи савдо муносабатларида «ақлли (smart) шартномалар» ва уни самарали татбиқ қилиш масалалари, ташқи савдо муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа (маъмурий-ҳуқуқий) усуллари таҳлил қилинган.

Диссертант ташқи савдо шартномасининг миллий, бошқа шартномалардан ажратиб турувчи ўзига хос белгилари қаторига савдо шартномаси иштирокчиларининг икки ёки ундан ортиқ давлатга мансублиги; шартнома ўзида тадбиркорлик мақсадини ифода этиши; шартнома ҳақ бараварига тузилиши, яъни ўзида товар (иш ёки хизмат) учун тўланадиган ҳақни ифодалаш; шартномага нисбатан халқаро қонунчилик нормалари тадбиқ этилиши; халқаро савдо битими объектлари – товарлар, ишлар, хизматлар давлатнинг чегарасини кесиб ўтиши ва уларга нисбатан божхона режимларини тадбиқ этиши; халқаро савдо шартномаси юзасидан ҳисоб-китоблар валютада амалга оширилишини киритиб ўтади.

Ташқи савдо шартнома матнини тузишда амалиётда аксарият низоларга сабаб бўлувчи йўл қуйилган камчиликлардан бири сифатида тарафлар томонидан шартномага нисбатан қўлланиладиган давлат ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ масала етарлича аниқлаштирилмалигини, ушбу ҳолатда шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкинлигини, қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкинлигига жиддий эътибор қаратилмаслиги келгусида ортиқча ноқулайликлар ва молиявий чиқимлар келтириб чиқаришини қайд этади.

Миллий қонунчилик ва амалиётни таҳлил қилган ҳолда, диссертацияда Ўзбекистонда ташқи савдо фаолиятини назорат қилиш ва рағбатлантиришнинг замонавий усулларини қўллашдан ортда қолинаётганлиги, давлат бошқарув органларининг чекланмаган назорат функциясига асосланган товарлар (хизматлар)ни ташқи бозорга реализация қилишнинг маънан эскирган, бюрократик тўсиқлари ҳали ҳамон сақланиб қолаётганлиги, ушбу соҳада замонавий ахборот технологияларни суств жорий қилинаётганлиги таҳлил қилиниб, ушбу тизимни концептуал жиҳатдан ўзгартиш зарурлиги асосланган.

Шу нуқтаи назаридан, амалдаги самарасиз назоратига асосланган, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 декабрдаги 1006-сон қарори қарор билан тасдиқланган “Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”да экспорт шартномаларига қўйилган асосий талаблар шартнома эркинлиги принципига зид бўлганлиги сабабли уларни бекор қилиш, тадбиркорларнинг шартнома тузиш маданияти, юридик хизматларни халқаро стандартлар асосида кўрсатиш борасидаги амалий кўникмаларини ошириш таклиф қилинган.

Диссертант Covid-19 пандемияси шароити шартномавий муносабатларда янги босқични бошлаб берганлигини, хусусан стандартлаштирилган шартлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузишнинг соддалаштирилган шаклига устун берилиб, музокаралар жараёнида инсон иштирокини минималлаштириш ва транзакцион харажатларни камайтириш билан оммавий бозорда шартнома тузишга имкониятлари кенгайганлигини қайд этади.

Бунинг натижасида инсон иштирокисиз электрон воситалар орқали, тўғридан-тўғри шартноманинг янги турларини тузиш имкониятлари ҳам пайдо бўлаётганлиги, “ақлли шартномалар” мисолида ушбу йўналишда юриспруденция соҳасида ҳам янги давр бошланаётганлигини қайд этади.

Диссертант автоматлаштирилган воситалар орқали тузиладиган шартномалар соҳасида ўтказилган тадқиқотлар ва илмий адабиётларда (Cong L. W., He Z., Grech N. et al. Madmax, Luu L. et al., Kalra S. et al., Wang S. et al., Permenev A. et al., Antonopoulos A. M., Wood G. ва бошқа бир қатор) «smart contracts» – «ақлли шартномалар» янги авлод келажак шартномалари юзага келганлигини қайд этиб, бугунги кунда «ақлли шартномалар»нинг умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмаслиги, бу ҳодиса ўзининг жуда янги табиати ва мураккаб технологик асосига кўра ажралиб туришини таъкидлайди.

Тадқиқотчи, ақлли шартномалар ўзида ҳам дастурий воситаларни ҳам ҳуқуқий жараёнларни қамраб олганлигини таҳлил қилган ҳолда, «*smart contracts*» – «*ақлли шартномалар*»– *бу тарафлардан камида биттаси шахс бўлмаган, тузилиши ва амалга оширилиши тўлиқ автоматлаштирилган, муаллифининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришган деб ҳисобланиши учун етарли бўлган ҳатти-ҳаракатларни сунъий интеллект ёрдамида баҳолайдиган, аввалдан яратилган дастурий таъминот ва алгоритмларга асосланган, яратувчисида шартномавий муносабатлар билан бирга муаллифлик ҳуқуқини пайдо қиладиган электрон шартномадир*» деган муаллифлик таърифини илгари суради.

Муаллиф “ақлли шартнома”ни ҳуқуқий мазмунга эга бўлган шартнома деб ҳисоблаш зарур деган нуқтаи назарга келган ҳолда, ташқи савдо соҳасидаги ақлли шартномаларнинг асосий белгилари сифатида унинг

электронлилик табиати; дастурий таъминот орқалигина амалга оширилиши; аниқлик; шартлилик табиати; ўз-ўзини ижро этиш; ўз-ўзини таъминлаш каби хусусиятларни кўрсатиб, унинг асосий жиҳати сунъий интеллектга асосланган ақллилик функциясидир, деган фикрни илгари суради.

«Ақлли шартнома» фуқаролик-ҳуқуқий битим шакли тўғрисидаги қоидаларга мос келиши ва мазкур шартнома тузиш ҳамда уни амалга ошириш усулини қонунчиликда мустаҳкамлаш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун тегишли ишларни амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаган.

Диссертант ташқи савдо муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа (маъмурий-ҳуқуқий) усуллари тадқиқ қилган ҳолда, миллий қонунчиликда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг 11 усули белгиланганлигини, божхона – тариф жиҳатдан тартибга солишда индивидуал преференциялар беришни назарда тутувчи, тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ноҳалол рақобат муҳитини ҳосил қилувчи нормалардан воз кечиш, субъектлари фаолиятини очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида Ўзбекистонда божхона-тариф чоралари Президент қарорлари билан тартибга солиб келинаётганлигини инобатга олиб, бу механизмни Олий Мажлис ваколатига киритиш мақсадга мувофиқлиги, ушбу механизмни амалга оширишда уни ижроси бўйича самарали парламент назоратини ўрнатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ташқи савдо шартномаларини халқаро хусусий тартибга солишни такомиллаштириш**» деб номланиб, унда ташқи савдо шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг халқаро хусусий-ҳуқуқий механизмлари, халқаро электрон савдо муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, ташқи савдо шартномасидан келиб чиқадиган жавобгарлик ва низоларни ҳал қилиш тартибини таҳлил қилишга бағишланган.

Мазкур боб доирасида ташқи савдо шартномаларининг моҳиятидан келиб чиқиб, ушбу муносабатларни уч усул асосида (моддий, коллизия ва халқаро шартномавий) тартибга солинишини қайд этган ҳолда, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллаш натижасида юзага келаётган муаммоларга тўхталиб ўтган.

Диссертант коллизия усул асосида тартибга солишнинг зарурияти қуйидагиларда намоён бўлишини қайд этган: **биринчидан**, моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш жараёнида тартибга солинмасдан очиқ қолган муносабатларни тартибга солиш учун қўшимча меъёр сифатида фойдаланиш; **иккинчидан**, халқаро ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш ва уни амалга оширишда асосий қоида сифатида қўллаш; **учинчидан**, баъзи сабабларга кўра моддий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ва уларни қўллаш борасида қийинчиликлар мавжуд бўлганда, муносабатларни тартибга солиш.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги олимларнинг тадқиқотларини (М.Ҳ.Раҳманкулов, С.Б.Крылов, М.М.Богуславский, Г.К.Матвеев, А.Л.Циммерман, В.Эргашев, Н.Раҳманкулова, Р.Е.Nygh, J.L. Neels, Е.А.Fredericks· С.Р.,Calleros,



M.I., Vial Undurraga, P.G., Dazzi, C., Schmon) ўрганган ҳолда ташқи савдо шартномаларига нисбатан «lex personalis», «lex rei sitate», «lex loci actus», «lex loci activitis», «lex fori», «ex causae» каби коллизияларнинг принципларни татбиқ қилиш зарурлигини асослаб берган.

Диссертант Ўзбекистон 1980 йилда Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг «Товарлар халқаро олди-сотдисида доир шартномалар тўғрисида»ги конвенцияси тўла ҳуқуқли аъзо эканлиги сабабли, ташқи савдо шартномаси тарафлари томонидан агар ушбу шартнома миллий манфаатларга зид бўлмаса, тўғридан-тўғри шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида ушбу халқаро ҳужжатга ҳавола қилиш мумкинлиги қонунчиликда мустаҳкамлашни таклиф қилади. Бу ўз навбатида тижорат характеридаги низоларни кўрувчи судьяларни Вена Конвенциясини қўллаш бўйича малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Халқаро электрон савдо муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини алоҳида параграф доирасида тадқиқ қилган ҳолда, ушбу соҳада сўнги йилларда ўтказилган тадқиқотлар (И.Рустамбеков, M.Frendo, C.A. Kelman ва M.Chissick, K.Henderson ва A.Poulter, Wang, C.C. ва Chen, C.C., Turban, E., Bolloju, N, Gökmen, A.)ни ўрганган ҳолда, ахборот технологиялар кўмагида, виртуал оламда, электрон шаклда ўрнатилган муносабатларга тадбиқ қилинадиган ҳуқуқни танлаш айниқса, ахборот сония ичида бир неча давлат чегараларини кесиб ўтиши, маълумотларга кириш бир вақтнинг ўзида турли мамлакатлар ҳудудидан ўтиши каби ҳолатлар билан мураккаблашади, деган хулосага келган.

Диссертант халқаро электрон шартномавий муносабатларни коллизиявий-ҳуқуқий тартибга солувчи коллизияларнинг принциплар гуруҳини ишлаб чиқиб, ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича миллий қонунчиликка «lex venditoris», «lex informatica», «lex electronica» коллизияларнинг боғловчиларини киритиш зарурлигини таклиф қилади.

